Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.), «Қизил Узбекистон» (1924—1964 й.), «Совет Узбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Узбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 36 (21. 155) 1992 йил 20 февраль, пайшанба ●

Баҳоси 60 тийин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФТДК)НИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Фан ва техника соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий муоммоларни ҳал этишда республиканинг илмий қувватидан самарали фойдаланиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлик воситасини шакллантириш, патент-лицензия ва илмий-ахборот фаолиятини такомиллаштириш, халқаро илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлатириш мақсадида ва Ўзбекистон фан-техника жамоатчилигининг таклифларини эътиборга олиб:

1. Иқтиодиёт комитети ва унга қарашли илмий ташкилотлар нефзида ҳамда улар сони ва маблағлари ҳисобига Ўзбекстон Республикасининг фан ва техника давлат комити (Ўзбекистон Республикаси ФТДК) ташкил қилинсин.

ФТДК ҳузурида республика фан-техника ва патент-лицензия ахборот маркази (ЎзФТПА) ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитетининг бош вазифалари ва фаолияти йўналишлари қилиб белгилансин:

Фан-техника тараққиётининг республика учун устивор йўналишларини белгилаш, фан ва техникани рағбатлантириш воситаларини ишлаб чиқиш асосида фан-техника соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

катта илмий-техникавий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, истиқболли ечимлар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга ташкил қилиш юзасидан илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, корхоналар, бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирилишини таъминлаш, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш;

фан ва техника соҳаси тармоқлари мажмуини, фан билан ишлаб чиқаришнинг илғор ҳамкорлик шаклларини ташкил этиш ва ривожлантириш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш;

республиканинг халқаро илмий-техникавий ҳамкорликда қатнашиши устивор йўллари ва асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, чет мамлакатлар, илмий ва ўқув марказлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан фан, техника соҳасида ва кадрлар тайёрлашда алоқаларни мувофиқлаштириш ва уларни кенгайтиришга кўмаклашиш;

фан ва техниканинг устивор йўналишлари бўйича илмий-техникавий лойиҳалар ва дастурларни давлат экспертизасидан ўтказишни ташкил қилиш ва шу ишларни амалга ошириш, фан ва техника ютуқлари жорий этилишини, халқ хўжалиги тармоқларининг илмий-техникавий даражасини назорат қилиш;

фан ва техника соҳасида муаллифлик ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини, кашфиётлар, ихтиролар, саноат намуналари ва товар белгиларидан Ўзбекистон Республикаси самарали фойдаланишни таъминлайдиган тизимни вужудга келтириш;

патент-лицензия ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш, республика патент жамғармасини тузиш, патентлаш масалаларида корхоналар ва ташкилотларга маслаҳатлар ҳамда услубий ёрдам бериш;

Ахборот тизимлари ва ахборот бозорини шакллантириш юзасидан республикада ўтказилаётган ишларни мувофиқлаштириш, Ватанимиздаги ва чет эллардаги илм-фан, техника ҳамда технологияларнинг энг янги ютуқлари тўғрисида бошқарув органларини, корхоналар, илмий ва ўқув ташкилотларини ахборот билан таъминлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника давлат комитети ўз ҳуқуқ доирасида қабул қилган қарорлар кимга бўйсунишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, илмий ташкилотлар ва муассасалар учун мажбурийдир.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта ичида Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитетининг фаолиятини ташкил этиш масалаларига доир қарорни қабул қилиши, комитет тузилмасини ва унинг ҳақидаги Низомни тасдиқлаши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 18 февраль.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ И. А. КАРИМОВ ҲАЗРАТЛАРИГА

Жаноб Президент, Бирлашган Германия Ўзбекистон Республикасини мустақил деб ган олганлигини сизга маълум қилиш шарафига муяссарман. Немис халқи Ўзбекистон Республикасини Мустақил давлатлар ҳамжамиятининг аъзоси сифатида табриклайди.

Сизнинг мамлакатингиз демократиялаш жараёнида ва ҳуқуқий тарзда мустақиллик йўлига ўтди.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларига ва оз сонли халқлар ҳуқуқларига кафолат бермоқда.

Республика БМТ Хартиясига доир мажбуриятларни, Хельсинки Якунловчи ҳужжатини ва Париж Хартиясини тан олмоқда. Низоли масалалар бундан буён куч ишлатиш билан ҳал қилинмайди, деган энг асосий қоида ҳам шу жумлага киради.

Бирлашган Германия Ўзбекистон Республикаси билан дипломатия муносабатлари ўрнатишга, бу ҳақда музокаралар бошлашга тайёр.

Бирлашган Германия ҳукумати Бирлашган Германия билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатларни дўстлик ва ҳамкорлик руҳида амалга оширишга интилади.

Жаноб Президент, Сизга ва Ўзбекистон Республикасининг халқларига немис халқи номидан ва шахсан ўз номимдан бахт-саодат ва муваффақиятлар тилайман.

Жаноб Президент, самимий ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Бирлашган Германия Президенти

Рихард фон ВАЙЦЗЕККЕР.

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДА

Саудия Арабистонининг расмий делегацияси 19 февраль куни Тошкентга келди. Делегацияга ташқи ишлар вазири шаҳзода Сауд ал Файсал ал Сауд бошчилик қилмоқда.

Делегацияни аэропортда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шу куни кечқурун делегацияни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қабул қилди.

(ЎзА).

(Қабул тўғрисидаги батафсил хабар матбуотда эълон қилинади).

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ САУД АЛ ФАЙСАЛ АЛ САУД

1942 йилда туғилган. 1964 — 75 йилларда ҳукмронлик қилган Амир Файсалнинг ўғли, саудлар сулоласининг асосчиси Абдул Азиз ибн Сауднинг неварасидир.

1965 йилда АҚШдаги Принстон дорилфунуни иқтисод факультетини битирган, иқтисод фанлари бакалавридир.

1971—74 йилларда нефть ва минерал ресурслар вазирининг ўринбосари, «Петромин» Саудия нефть компаниясининг маслаҳатчиси, нефть олий Кенгашининг бош котиби лавозимларини эгаллаб турган.

1975 йил октябрдан — Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири. Саудиядаги энг нуфузли сиёсат арбобларидан биридир. Амирнинг энг масъулиятли ва нозик топшириқларини бажаради. Фақат энг муҳим халқаро ва арабларо анжуманларда Саудия делегациясига бошчилик қилади.

С. ал Файсал Яқин Шарқ можаросини ҳал қилиш ва арабларо муносабатлар масалаларида мутахассис ҳисобланади. Яқин Шарққа доир сулҳ конференцияси доирасида кўп томонлама музокараларга тайёргарлик юзасидан 1992 йил 28—29 январда Москвада бўлиб ўтган ташкилий учрашувда Саудия делегациясига бошчилик қилган.

С. ал Файсал мувозанатли ташқи сиёсий йўлни ўтказиш тарафдоридир. Собиқ СССРга уч марта: 1982 йилда Араб-Исроил можароси юзасидан Араб давлатлари уюшмаси «еттилар комитети» делегацияси таркибида, 1988 йилда Амир Фахднинг махсус вакили сифатида ва 1990 йилда амалий ташриф билан келган. Унинг сўнгги ташрифи чоғида иккала мамлакатда дипломатия муносабатларини тўла йўлга қўйиш ва элчихоналар ҳамда бош консулхоналар очиш тўғрисида аҳдномага эришилган.

21 МАРТ—НАВРЎЗ БАЙРАМИ

Наврўз — гўзаллик, мурувват, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибатга чорловчи шодиёнадир!

Қизғин ҳозирлик

● 18 февраль куни Тошкентда «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика ташкилий комитетининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, шу комитет раиси Э. Самандаров олиб борди.

Мажлисда шу нарса таъкидландики, «Наврўз» асрлар давомида одамларда ерга ва табиатга меҳр-муҳаббатли бўлиш, уни ардоқлаш туйғуларини тарбиялаб келди. «Наврўз» байрами кунларида урушжанжаллар тўхтатилган, гина-кудуратлар унутилган, одамлар тинч ва яхши қўшничилик алоқаларига интилганлар. «Наврўз»нинг республикамизда умумхалқ байрами сифатида нишонланиши яхши анъана бўлиб қолди.

Республикамиз мустақиллик йўлидан дадил одим ташлаб, бутун жаҳон эътиборини ўзига қаратаётган бу йилги шароитда «Наврўз» байрами алоҳида мазмун касб этади, умумхалқ шодиёнасига айланади. Байрам кунларида республикамиз шаҳар ва қишлоқларида халқ сайллари, шоирлар мушоиралари, спорт ўйинлари, етук санъаткорлар ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари ўтказилади. Китоблар, тасвирий санъат ва халқ амалий санъати асарларининг кўргазмалари, истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси ташкил этилади. «Наврўз» байрами кунларида кўп болали оилаларга, қариялар уйларида яшовчилар, болалар уйларининг тарбияланувчилари, қаровчисиз қолган бева-бечоралар, ногиронларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатилади.

Мажлисда комитетнинг умумхалқ байрамини ўтказиш билан боғлиқ режаси тасдиқланди ва комитет аъзоларининг вазифалари белгилаб олинди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитасида

НАВРЎЗ—УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1992 йил «Наврўз» байрамини кенг нишонлаш юзасидан белгилаган тадбирларини ҳамда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг «Тошкент вилоятида «Наврўз» халқ байрамини ўтказиш тўғрисида»ги ташаббусини маъқуллади. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига мазкур тадбир ва ташаббусни қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда «Наврўз» байрамини ўтказишда ташаббускорлик кўрсатиш ва ташкилий-сиёсий ишларни янада кучайтиришни тошширди.

Янги йил — «Наврўз» ҳар биримизнинг хонадонимизга янги-янги қувонч ва умид бағишлаши Тошкент вилоят партия кенгашининг Мурожаатида алоҳида таъкидланган. У бизга ўзлигимизни намойиш қилиш имконини берадиган қутлуғ кун. Шу боисдан ҳам биз байрамни дўстлик, биродарлик, меҳнат, муҳаббат, саодат тимсоли сифатида нишонлаб келамиз.

«Наврўз» байрами арафасида кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ойликларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу даврда уйжой, ҳовлиларни таъмирлаш, обод қилиш, саранжомсаришталаш, кўча-кўйлар, майдонлар, ҳиёбонларнинг озодалигини сақлаш, боғ-роғлар ва оромгоҳларда ишлаб, дов-дарахтларга оройиш бериш, янги боғларга асос солиш, ниҳоллар ўтказиш халқимизнинг азалий удумларидир.

Яратувчилик, меҳнат байрами сифатида қадимдан нишонланиб келинган «Наврўз»да меҳнатни шарафлаш, меҳнаткашни мадҳ этиш орқали ёшларга бу шодиёнанинг асл моҳиятини кенгроқ тушунтириш зарур. Байрам кунлари «Меҳр-шафқат ва хотира» кунини ўтказиб, марҳумларнинг руҳини шод этиш, хашарлар уюштириб, қабристонларни ободонлаштириш, қадамжо жойларни тозалаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Қариялар, мажруҳ ва кимсасизлар, ночор оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш зарур. Бу борада ёшларнинг меҳнат фахрийлари билан учрашувларини ўтказиш яхши самаралар бериши шубҳасиздир.

Сиёсий Ижроия Қўмитаси Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари қошида «Наврўз» байрамини ўтказиш бўйича ташаббускор гуруҳлар тузиш, жойларда кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, етим-есирлар, қаровсиз қолган қарияларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Наврўз» хайрия эҳсон жамғармаларини ташкил этиб, тегишли банкларда ҳисоблар очиш тўғрисида тавсия берди.

●МУҲАРРИРИЯТДАН:

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг жамоаси ва муштарийлари умумхалқ байрами — «Наврўз»ни Тошкент шаҳридаги Ҳамза номли академик драма театри билан ҳамкорликда нишонлайдилар.

«Ўзбекистон овози»—ЎзХДП: бевосита мулоқот

ХАЛҚ БИЛАН, ХАЛҚ УЧУН

● Куни кеча «Ўзбекистон овози» рўзномаси муҳарририяти жамоасининг вилоятлардаги ўз мухбирлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг аъзоси, рўзнома бош муҳаррири Р. Р. Раҳмонов очди. У муҳарририят жамоасининг шу кунлардаги фаолияти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси таъсис қурултойи ва Марказий Кенгаш пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги изланишларни ва режалари ҳақида гапирди.

Ижодкорлар билан учрашувга келган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон халқ депутати М. М. Расулов улар билан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

— Мен ўзининг бой тарихига, ажойиб анъаналарига эга бўлган, кўплаб партия ва жамоат арбобларини, машҳур олимлар ва таниқли адибларни етиштириб берган, журналистлар жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда «отахон газета» деб тан олинган «Ўзбекистон овози» муҳарририяти ходимлари билан учрашиб турганимдан бахтиёрман, — деди Маҳмуджон Мўминович. — Сиёсий Ижроия Комитети партиямиз Марказий Кенгашини ўзига ҳаммуассисликка танлашга яқдиллик билан хоҳиш-ирода билдирган, дастлабки кунларданоқ биз билан ҳамоҳанг қадам ташлаётган муҳарририятнинг имон-эътиқоди бутун жамоасига астойдил миннатдорчилик билдиради.

Партиянинг тузилганлигига кўп бўлгани йўқ. Аммо у шу жудаям қисқа муддатда халқ орасида етакчи партия сифатида нуфузи ортиб бормоқда. Республика Президенти сайловида ЎзХДП номзоди — партия Раиси И. А. Каримовнинг саксон олти фоиз овоз олганлиги, унинг халқ меҳр-муҳаббатига, юксак ишончига сазовор бўлганлиги натижасидир. Президент сайловига тайёргарлик ва уни ўтказишда оммавий ахборот воситалари, биринчи навбатда «Ўзбекистон овози» рўзномасининг қаламкашлари ҳам катта сиёсий-ғоявий ва ташкилотчилик ишларини олиб бориб, халқ бирлиги ва жипслигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшдилар, деб таъкидлади нотиқ.

Шуниси эътиборга лойиқки, йиғилишда «Ўзбекистон овози»нинг ижодий жамоаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни кенг ўқувчилар оммаси ўртасида тушунтириш, тарғиб этишда, аҳолининг, айниқса, унинг кам таъминланган қатламларини, бева-бечораларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш муаммоларини кўтаришда муайян тажриба тўплади, бунинг учун журналистиканинг хилма-хил шакл ва услубларидан изчиллик билан фойдаланилмоқда.

Кейинги пайтларда муҳаррият партия ички ҳаётини ёритишга эътиборни кучайтирганлиги қайд этиб ўтилди. Рўзнома саҳифаларида пайдо бўлган «ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи», «Партия ходими минбари», «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми олдидан», «Партия ахбороти», «ХДП: савол ва жавоблар» каби янги рукнлар пайдо бўлдики, улар остида эълон қилинаётган мақолалар, суҳбатлар, савол-жавоблар партия аъзолари ва партиясизларга маъқул бўлмоқда.

ХДП собиқ Ўзбекистон Компартиясининг мулкий жиҳатдан вориси бўлсада, сифат жиҳатдан бутунлай янги фирқа, сиёсий ташкилотдир. Унинг иш усули ва услуби ҳам ўз ўтмишдошидан кескин фарқ қилади. ХДП кўп партиялилик шароитида, парламент йўли билан иш олиб боради. Биз, деди биринчи котиб, бошқа партия ва сиёсий ҳаракатлар билан муҳолифлик тарафдори эмасмиз, аксинча Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий томондан мустаҳкамлаб бориш учун улар билан келишиб ишлаймиз, деган ниятдамиз. Мана, бизнинг қатъий йўлимиз, тутган позициямиз.

Ҳаёт мураккаб, у тез ўзгариб боряпти. Кечаги кун бугунгига ўхшамайди. Эртага эса бутунлай бошқача бўлиши мумкин. Мана шундай шароитда аҳволни ўнглаб олиш учун курашда барча даражалардаги партия ташкилотларининг, маҳаллий бошқарув органларига сайланган партия аъзоларининг қатъий нуқтаи назари, амалий ишлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Афсуски, баъзи партия ташкилотлари кескин ҳаракат қилиш ўрнига сусткашликка йўл қўймоқдалар, эскичасига ишлашга уринмоқдалар, ҳатто «олма пиш, оғзимга туш» қабилида юқоридан кўрсатма кутиб ўтирибдилар.

> Партия оммавий-ахборот воситаларида демократик ўзгаришлар, уларда фикрлар ва баҳолар хилма-хиллигини эркин ёритиш, айни пайтда журналистларнинг мақолаларн ва эшиттиришлар ҳаққонийлиги ва холислиги учун масъулиятни ошириш тарафдоридир.
>
> **(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастуридан).**

Тўғри, иқтисодий танглик, аввалги хўжалик алоқаларининг издан чиққанлиги, нарх-навонинг эркинлаштирилиши барча соҳалар сингари матбуотни ҳам қийин аҳволга солиб қўйди. Марказий Кенгаш партия матбуоти ходимлари руҳан тушкунликка тушмаганликларини юксак қадрлайди. Улар ўз маҳоратлари ва тажрибаларини, билим ва куч-ғайратларини сафарбар этиб, етилган масалаларни ҳал этишда ЎзХДПга яқиндан ёрдам беришларига аминмиз, деди сўзини давом эттириб нотиқ.

Ҳозир энг муҳими — қаерда бўлмасин, вилоят кенгашидами ёҳуд бошланғич ташкилотдами, барибир — биронта тажриба орттирилган бўлса, уларни синчковлик билан заррама-зарра тўплаш, умумлаштириш ҳамда кўпчилик мулкига айлантиришдир.

ЎзХДП масъулиятли, ҳал қилувчи лавозимларга ўз аъзоларини тавсия этишни, бунга эришишни асосий йўли деб билади ва буни ҳеч кимдан яширимайди. Хўш, мазкур соҳада жойлардаги партия ташкилотлари қандай иш олиб боряпти? Кадрлар танлашда янглишмаяптиларми? Тавсия этилаётган киши чиндан ҳам билимдон, сергайрат, ташаббускорми? У одамлар билан ишлай оладими? Бу мавзу қаламкашларни қизиқтириши, қаяжонга солиши, воқеа-ҳодисаларни чуқур таҳлил этиб хулосага келтириши керак.

ЎзХДП парламент типидаги партия экан, у ўз сиёсатини истаса-истамаса, республика Олий Кенгашига, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Кенгашларига сайланган партия аъзолари орқали, тузилган депутатлик гуруҳлари орқали ўтказади. Айтингчи, депутатликка сайланган партия аъзолари ташаббусни қўлга олишганми? Янги қонунлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш ҳуқуқидан самарали фойдаланишяптими? Амалий ишлари билан сиёсий ва ижтимоий аҳволни барқарорлаштиришга, иқтисодиётни ўнглаб олишга таъсир ўтказяптиларми? Шу ва шу сингари масалалар партия матбуоти нашрларида етарли даражада ёритиляпти, деб бўлмайди.

Партия ташкилотларига сайланган фаоллар, аппарат ходимлари янги шароитда ишлаш кўникмасини тезроқ ўзлаштириб олишлари, кўпроқ одамлар орасида бўлишлари — шу куннинг талабидир. Шу боис ҳудудий партия ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бораётир. Нотиқ ижобий мисол тариқасида Тошкент шаҳар Чилонзор районини келтирди. Дарҳақиқат, йиғилишда тўғри таъкидланганидек, Президент, республика Олий Кенгаши ҳамда ҳукумат олиб бораётган ишларни ўз вақтида, тўғри ва аниқ тушунтириш ҳамда бу ишларнинг қанчалик самара бериши ҳудудий партия ташкилотларининг серқирра фаолиятига боғлиқдир.

ЎзХДП ўз номи билан халқ партияси ва халқ манфаатлари учун хизмат қилади. Ҳозир жуда кўплаб оддий ишчилар, колхозчилар, деҳқонлар, чорвадорлар, зиёлилар ХДП сафига кирмоқдалар. Нима учун? Уларни шундай қарорга келишга ундаган омил нима? Улар қандай яшаб, қандай меҳнат қилмоқдалар? Ўй-кечинмалари, дарду-ҳаратлари, қувончу шодликлари-чи? Матбуот саҳифаларида оддий партия аъзоларининг ёрқин сиймолари яратилса, юқоридаги саволларга қалам кучи билан жавоб берилса, қандай соз бўларди.

Учрашув ўзаро мулоқот тарзида ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи котиби А. Н. Носиров иштирок этди.

Э. ХУЖАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ IV ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экология ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиб ҳамда уларни жамиятга таклиф этиб, бошқа ижтимоий-сиёсий кучлар билан эркин мусобақада сиёсий етакчиликка эришиш учун ҳаракат қилади.

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Низомидан).

• ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

Ўрта Чирчиқ райони ўтган йили қишлоқ хўжалик, саноат, капитал қурилишнинг асосий кўрсаткичлари бўйича белгиланган режаларини бажариб, бозор иқтисодиёти шароитига пухта тайёргарлик кўриб қўйган эди. Президент Фармонлари ижросини таъминлашда қатор тадбирлар жорий этилди. Аҳолини энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, томорқа ва ер участкалари ажратиш, ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг меҳнат шароитлари ва дам олишларини яхшилаш юзасидан муайян силжишларга эришилди. Жумладан, озуқа етказиб берилгани туфайли хонадонларда чорва моллари сони 1,5 — 1,7 бараварга кўпайди. Улардан сотиб олинадиган гўшт, сут миқдори ҳам белгиланганидан зиёд бўлди. Томорқаларда етиштирилган сабзавот, полиз маҳсулотлари шаҳар бозорининг мўл-кўлчилигига ҳисса қўшди. Райондаги қатор хўжаликларда кичик корхоналар, маҳсулот сақланадиган омборхоналар, турли цехлар ишга туширилди. Фермер хўжаликлари сони 37 тага етказилди.

Хуллас, район бўйича ва унинг маркази Тўйтепа шаҳрида аҳоли эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган қатор юмушларга қўл урилди. Яқинда район уруш ва меҳнат фахрийларидан иборат 50 нафарга яқин отахон ана шу янгиликларни ўз кўзлари билан кўришга муваффақ бўлдилар. Улар тушган автобус шаҳар бозорида, кунжут ишлаб чиқарилаётган районлараро савдо базасида, қундуз боқилаётган Киров номли ўқув-тажриба хўжалиги, атлас тўқишга киришган Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги ва бошқа жойларда тўхтади. Отахонлар ҳозирги танг вазиятда аҳволни барқарорлаштириш учун қилинаётган ишлар кўламидан кўнгиллари таскин топди. Ишни бундан ҳам яхшилаш юзасидан фойдали маслаҳатлар беришди, фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Ушбу тадбирни уюштирган район кенгаши билан Ўзбекистон ХДП район кенгаши раҳбарлари уларга ҳамроҳлик қилишди.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ХДП АЪЗОЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

САМАД АКА ФЕРМЕР БЎЛМОҚЧИ

У билан сўнгги марта вилоят Кенгаши сессиясида учрашгандик. Минбарга кўтарилиб, дилдан чиқариб гапирди:

— Қачонгача тазйиқ остида ишлаймиз. Ахир қиламан, деган ишингни қила олмасанг, орзуйингга эриша олмасанг шундай ҳам эркинлик бўладими?! Ишингда назоратчи кўп-у, ёрдам бераман, дардингни тинглайман деган одамнинг ўзи йўқ...

Бу сўзлар кўпчилик ноибларга маъқул тушди. «Ким экан бу» деб одамлар бир-бирига шивирлашди ҳам. Вилоят раҳбари якуний маърузасида бояги нотиқ номини тилга олиб, илиқ гаплар айтди:—У киши Ғузор районидаги Куйбишев номли давлат хўжалиги паррандачилик фермаси мудири Самад Рустамов. Қанийди, ҳамма ҳам Самад акадек дилидаги бор гапни ошкора айтса, янгиликка интилса. Афсуски...

Вилоят Кенгаши ноиби Самад Рустамов катта ҳаёт тажрибасига эга. У лавозимга ўч эмас, аммо курсининг юмшоғига ҳам, қаттиғига ҳам ўтириб кўрган одам. Лекин кўнгли очиқ, меҳмоннавоз. Давлат мулкини шунчалик кўз қорачиғидай асрайдики, ўзи ҳам емайди, бировга ҳам едирмайди. Шу боисдан бўлса керак, унинг ҳаракатлари баъзи раҳбарларга ёқмади.

— Бир ишни бошлайман десам, раҳбарлардан кимдир қарши туради, — дейди Самад ака. — Бу омадсизлигим эмасми? Ижарачи бўлай деб, оғзим ошга етганида буни бекор қилишади. Фермер бўлай десам, унга ҳам қуйишмайди, ёпирай, одамнинг кўнгли шунчалик қора бўладими...

Аслида Самад ака Рустамов шундай ҳаётий тўсиқларга биринчи марта дуч келаётгани йўқ. Ҳаёт бор, кураш бор деганларидек, унинг кўп йиллик меҳнат фаолияти ана шундай серташвиш кунлар билан «бой». 1959 йили Бухоро давлат педагогика институтининг табиатшунослик ва қишлоқ хўжалик асослари факультетини битиргач, ўн беш йил давомида ўқитувчилик қилди. Бироқ у муаллимликни ташламоқчи эмасди.

Кунлардан бир кун район партия қўмитаси котиби хўжаликнинг пахта даласига келганда ғўзаларни болалар билан бирга чопиқ қилаётган Самад Рустамовни ёнига чақириб олиб, гап очди.

— Шу бригадани кўтариб бермайсанми, ука? Кўпдан бери сени синчиклаб кузатаман, жуда тадбиркор кўринасан. Бунинг устига баъзи бировлар ҳам сен тўғрингда яхши фикрлар билдирди?...

— Унчалик эмасдир, менга бригадирлик оғирлик қилар.

— Э, қизиқ экансан, одам бажарадиган ишни одам қилади-да.

Самад ака «хўп» деган маънода бош чайқади. Ўша йили ишончни оқлаш учун кўп ишчига бош бўлиб енг шимариб ишлади. Натижада режа ошириб бажарилиб, давлатга юз фоиздан кўпроқ пахта топширилди.

Келаси йили янги ер очиб деҳқончилик қилишга киришди. Маҳаллий рўзномаларда Самад Рустамовнинг сурати ва у ҳақда мақолалар босилиб чиқди: «Самад Рустамов Лўлитепа массивини гулистонга айлантирди, баракалла». Орадан икки-уч йил ўтди. Бригада ҳар йили пахта тайёрлаш режасини бажараверди. Бу гал райком секретари «Совхозга бош агроном бўласизми» деб Самад Рустамовнинг қалбига қўл солиб кўрди. У эса «йўқ» деб оёқ тираб туриб олди.

Бир куни райкомга келиб, анкета тўлдириб қайтиб борганда хўжалик клубида партия аъзолари тўпланиб туришарди. Масала тушунарли. Қўярда-қўймай бир овоздан уни партия қўмитаси котиблигига сайлашди. Уч йил партком котиби бўлиб ишлади. Сўнгра совхоз директорлигига таклиф қилишди. Яна рад жавобини берди у.

Хўжаликнинг «Совлиғар» бўлимидаги одамлар Самад акани жуда ҳурмат қилишарди. Ҳамқишлоқлари ўртасида обрў қозонганича бор. Йўлларни асфальтлаш, маданий-маиший бинолар қурилишида Самад Рустамовнинг хизмати оз эмасди. Лекин Совлиғар — давлат хўжалигида жуда катта бўлим, қишлоқ аҳолисининг тирикчилиги пахта билан кечарди. Бироқ негадир бу ерда пахта тайёрлаш режасини уддалашолмасди. Ўз ташаббуси билан қолоқ бўлимга бориб ишлади. Бўлим бошқарувчисига эргашган одамлар шунақа кўтаринки руҳда меҳнат қилдиларки, кузда хирмон кўкка бўй чўзди. Юзлар ёруғ бўлди.

1983 йилнинг қишида фалокат рўй берди. Шу бўлимҳудудида жойлашган паррандачилик фермасига ўт туши, кўп нарса ёниб кетди. Фермани оёққа турғазиш керак эди. Бу иш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

— Рухсат берсангиз, фермага мен бориб ишласам?...

— Нима, энди товуқбоқар бўлмоқчимисиз? — деди совхоз директори.

— Товуқбоқарликнинг нимаси ёмон. Ишнинг каттаюкичиги бўлмайдику.

Етти хазинанинг бири — паррандачилик йилдан-йил ривожлана бошлади. Самад ака зотли товуқларни кўпайтирди. 1987 йилга келиб тухум берадиган товуқлар сони 10 минг бошдан ошиб кетди. Ўша йили «Госкомсельхозтехника» вилоят бирлашмасидан тухумдан жўжа очирадиган агрегат сотиб олишди. Бир йилда юз мингта жўжа очириб, колхоз ва совхозларга, аҳолига сотилди.

Кейинги йили паррандачилик фермаси оилавий пудратга ўтказилди. Фермага ўрдак ҳам келтирилди. Оилавий пудратчилар биринчи йили давлатга ўрдак ва товуқдан 50 тонна гўшт, 260 минг дона тухум ва хўжаликларга 100 мингта жўжа сотишди. 1989 йили ижарага ўтишди. Дирекция билан шартнома тузишди. Ижаранинг дастлабки йили 137 минг сўмлик ўрнига 249 минг 587 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Давлатга 30 тонна 400 килограмм парранда гўшти етказиб берилди. Қўшимча келган даромаддан ферма кенгайтирилди. Қатор товуқхоналар қурилди. Оила аъзолари 13 минг сўм соф даромадга эга бўлишди.

Самад аканинг ишбилармонлик ҳислати ҳам бор. У паррандалар зотини яхшилаш учун бошқа жойлардан ҳам жўжа олиб келарди. Ўша кунларда Самад ака катта қийинчиликлар билан Донецкдан самолётда зотли жўжа олиб келди. Самолёт бўш кетмасин, унинг қайтишидан хўжалик зарар кўрмасин, деган мақсадда совхознинг ноз-неъматларидан солиб юборайлик деб хўжалик раҳбарларига гап очиб балога қолди. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, хўжалик директори И. Бўриев (ҳозир собиқ) 1990 йилнинг 6 мартида ижарани бекор қилиш ҳақида буйруқ чиқарди. 1993 йилгача бўлган икки томонлама шартнома қонунга хилоф тарзда бекор қилинди. Самад аканинг «нега» деган саволига таннархи жуда ҳам баланд, деб баҳона қилишди.

Самад ака бунга ҳам рози бўлди. Яна ферма оилавий пудратга айлантирилди. Оила аъзолари кайфиятни туширмай ишлаб вилоятдаги Деҳқонобод, Ульянов, Муборак, Усмон Юсупов ва бошқа районлардаги хўжаликларга 127 мингта жўжа, давлатга 27 тонна парҳез гўшт, 100 минг дона тухум етказиб беришди. Шунга қарамай хўжалик раҳбарияти умуман фермага эътибор бермай қўйди. Озуқадан қарашмади. Самад ака унга-бунга ялиниб, илтимос қилиб, ошна-оғайниларига таяниб бор паррандаларга етадиган озуқа тўплади.

Ўтган йили ҳам оилавий паррандабоқарлар вилоятдаги давлат ва жамоа хўжаликларига 147 мингта жўжа сотдилар. Улардан жўжа сўраб келаётганларнинг эса сонсаноғи йўқ. Шу билан бирга давлатга 8 тонна 700 килограмм парҳезли гўшт ҳам топширилди.

Оила бошлиғи С. Рустамов озроқ суғориладиган ер талаб қилиб, унда паррандаларга озуқа етиштириш ва ферма базасида йирик фермер хўжалиги ташкил этишни сўраб район раҳбарларига, давлат хўжалиги директорига мурожаат қилди. Районда бажонидил рози бўлишди-ю, бироқ директор И. Бўриевнинг яна қайсарлиги тутди. «Фермани умуман тугатамиз» деди у қатъий қилиб.

— Ўзи ҳаммасини тугатиб бўлдингиз-ку, яна нимаси қолди, — деди Самад ака ҳам бўш келмай. — Фермерликка рухсат беринг, сиздан ҳеч нарса талаб қилмайман. Наҳотки замон зайлини тушунмайсиз. Ўзимнинг шахсий қўйим, сигир-бузоқларим бўлса, кимга фойда-ю, кимга зарар...

— Йўқ, дедимми, бас...

Эртаси куни паррандачилик фермасини вилоят давлат-кооператив агросаноат уюшмаси ва давлат хўжалигидан келган тафтишчилар босишди. Мижжа қоқмай ҳисоб-китоб қилишди. 108 та парранда зиёд чиқибди. Буни тафтишчилар Самад акага таъна қилишди. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Кам эмас, кўп-ку. Келган-кетган меҳмонга деб асраб юрган 97 та ғозини ҳам тафтишчилар даромадга киритишди. Йўлдош Очилов бошлиқ тафтишчилар яна кўп қилиқларни қилишди. Улар ҳатто хўжалик бош бухгалтери Чўли Йўлдошев иштирокида, зарур бўлганда ётиб дам олиш мақсадида Самад ака ўз уйидан олиб келиб ферманинг дам олиш хонасидаги кўрпа-ёстиққа кийгизиб қўйган жилдлар, чойшаб, 8 метр поёндозни ҳам уялмай-нетмай даромадга олишди.

— Мен кимга нима ёмонлик қилдим, — деди директорга қараб Самад ака жиғибийрони чиқиб. — Ер сўрадим, бермадингиз. Фермер бўлишимга кўнмадингиз. Яна қандай гапларингиз бўлса уялмай айтаверинг.

Директор унга ғалати қараб қўйди-ю, бироқ, индамади. Хайрият кўп ўтмай у ишдан кетди, шу билан бирга фермани тугатиш ҳақидаги гап-сўзлар ҳам ўз-ўзидан барҳам топди. Хўжаликнинг бош муҳандиси Ҳолмамат Чоршанбиев яқинда директорликка тайинланди.

— Янги раҳбаримиздан умидим катта, — дейди Самад ака Рустамов. — Агар қўллаб-қувватланса фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги орзуим ушалади. Бизда тўлиқ имконият бор. Молхоналар етарли. Буни тунов куни парткомимизга ҳам айтгандим, бемалол киришаверинг, кўплашиб иложини топамиз, дейди барака топгур. Ўзимнинг шахсий 80 бош қўйим, 5 бош қорамолим бор. 9 нафар фарзандим, қариндош-уруғларим ёрдам беришади. Тошкент техника дорилфунунини битириб келган ўғлим Абдираҳмонни ҳам фермага ишга олдим. Мутахассислиги энергетик. Жўжа очириш агрегатини ишлатяпти. Қолган ўғил-қизларим ҳам қанотимга киришган. Яна бир орзуим Совлиғар қишлоғини водопроводлаштириш. Буниси энди ноиблик ишимга боғлиқ. Халқ шу топшириқни берганди. Барча ноиблар бош қўшиб, қишлоқда мактаб, болалар боғчалари, магазин қурилишига эришдик. Аммо навбат водопроводга келганда қўлим қисқалик қилаяпти. Қали ҳам бечора ҳамқишлоқларим сувни сотиб олиб ичишаяпти. Ҳайронман, бундай аҳвол қачонгача давом этаркин...

Шундай қилиб, Ғузор районидаги Куйбишев номли давлат хўжалигининг жонкуяр партия аъзоларидан бири, 33-Совлиғар сайлов округидан вилоят халқ ноиби Самад Рустамов фермер бўлмоқчи. Яхши ният ярим давлат деган гап бор халқимизда. Унинг бу нияти рўёбга чиқишига биз ҳам ишонамиз.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози мухбири.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

ТЕҲРОН УЧРАШУВИ

● Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) юқори доираларининг икки кунлик учрашуви Эрон пойтахтида ўз ишини тугатди. Унда Эрон Президенти А. Ҳошими-Рафсанжони, Туркия Президенти Т. Ўзол, Озарбайжон Президенти А. Мутолибов, Туркманистон Президенти С. Ниёзов, Покистон Бош вазири Н. Шариф, шунингдек Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон вакиллари қатнашдилар Қозоғистон учрашувда кузатувчи тарзида қатнашди.

Эрон ташқи ишлар вазири А. Вилояти якунловчи декларацияни ўқиб берди, унда «Учрашув дўстлик ва қардошлик муҳитида ўтди» дейилган.

Декларацияда биринчи навбатда коммунизмнинг барбод бўлиши натижасида халқаро вазият тез ўзгарётган шароитда минтақадаги иқтисодий ҳамкорликнинг жуда муҳимлиги таъкидланди. Ҳужжатда кўрсатилишича, ИҲТ аъзолари бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари иқтисодий ҳамкорликни тез суръатлар билан ривожлантириш муддаоларини айтдилар. Хусусан божхона имтиёзли тарифлари тўғрисидаги протокол қоидалари муваффақиятли амалга оширилгандан сўнг ИҲТ ичида барча солиқ ғовлари ва бошқа ғовларни умуман тугатиш юзасидан куч-ғайрат сарфланиши лозим.

Декларацияда иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига янгидан беш аъзо қўшилгани табрикланади. Унда учрашув қатнашчилари ИҲТ вакиллари кенгашининг Кипрнинг мусулмон жамоасига ИҲТ аъзоларининг сиёсий мавқеларига ҳамда БМТ доирасида Кипр муаммосини ҳал қилишга доир саъй-ҳаракатларга путур етказмаган ҳолда ташкилотнинг иқтисодий, техникавий ва маданий фаолиятида иштирок этишга рухсат бериш тўғрисидаги таклифига қўшилдилар.

* * *

Теҳрон шаҳридаги кенгаш қатнашчилари сиёсий ва иқтисодий соҳаларда халқаро майдонда рўй бераётган ўзгаришлар муносабати билан Ўрта Шарқ минтақасида мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш зарурлигини айтдилар. Давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари иштирокида ўтган икки кунлик учрашув якунлари юзасидан хулоса баённома қабул этилди. Унда мана шу маҳаллий ташкилотда қатнашувчи мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришга даъват этилди, деб хабар қилади Франс-Пресс агентлиги Эрон пойтахтидан.

Эрон, Туркия ва Покистон билан бир қаторда Озарбайжон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон биринчи бор шу ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлиб қолдилар. Қозоғистон кузатувчи мақомини олди.

ҲАМКОРЛИК МИНТАҚАСИ

● ТЕҲРОН. Эрон Президенти Ҳошими-Рафсанжони журналистлар билан мулоқотда бўлди. У Эрон пойтахтида ўтказилган давлат бошлиқлари ҳамда янги ҳамжамият — Каспий иқтисодий ҳамкорлик минтақасини тузишда қатнашувчи мамлакат вакиллари билан музокаралар якунларини сўзлаб берди.

Эрон билан тўртта собиқ совет республикаси — Озарбайжон, Қозоғистон, Россия ва Туркманистон Каспий иқтисодий ҳамкорлик минтақасини тузишга аҳдлашиб олишган. Фаолият соҳаси хилма-хил. Айниқса, Каспий денгизи табиий ресурсларини биргаликда ўзлаштириш масаласига эътибор берилади.

АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

● Туркия Измир вилояти раҳбарларининг таклифига мувофиқ Бухоро вилоятининг расмий делегацияси бу мамлакатга жўнаб кетди.

Мақсад — икки томонлама мунтазам алоқа ўрнатишдан иборат. Делегацияга Бухоро вилоятининг ҳокими Дамир Ёдгоров бошчилик қилмоқда.

АВСТРИЯГА ТАШРИФ

● ВЕНА. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Австрияга жўнаб кетди.

Президент федерал канцлер Франц Враницкийнинг шахсий таклифига биноан бу ерга келган.

• Қўлни беринг, жаҳондаги шериклар

● ОЛТИННИНГ ЧИҚИНДИСИ ҲАМ ОЛТИН
● ҲАМЮРТИМИЗНИНГ ТАН ОЛИШИ
● КУЛОЛ МЎНДИДА СУВ ИЧГАНДИ

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК НАШИДАСИ

ЕКИ АМЕРИКА ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЛК ҚУВОНЧЛАРИ

Замонанинг зайли қизиқ. Куни кеча етовга юрардик. Кибр-ҳавога берилган «катта оға»миз вакиллари акалик у ёқда туриб, оталик даъво қилишарди. Тўғри, оилада отадан улуғ сиймо йўқ. Лекин қон тўкиб, қилич яланғочлаб келиб юртга оталиқ қилганлар қандай қилиб бўлса-да, ўз айтганларини бажартиришга уринишди. Уринишдигина эмас, «менинг айтганим тўғри» деб не-не зуғумлар қилишди. Етовга юрмаганларнинг «ҳоли вой» бўлди. Бу аҳвол юз йилдан зиёд муддат давом этди.

Ҳайриятки, мустақиллик офтоби елкасини илитган ўзбек ўзлигини таниб оляпти. Иқтисодий жабҳадаги қарамлик ботқоғидан қутула бошлади. Жаҳон кўз ўнгида ўзбек деган халқ борлиги тан олинмоқда. Дунёдаги 90 дан зиёд давлат Ўзбекистон Республикасини танигани кейинги ижтимоий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Буни биз энди мақтаниш учун эмас, иқтисодий занжирбандликлардан ҳалос бўлганимиз тасдиғи сифатида таъкидлаяпмиз.

Ўтган йили ёз чилласида АҚШ «Дау Эленко» компанияси вакили Франсув Дювали жаноблари билан учрашиш шарафига муяссар бўлган эдик. Шунда у жаҳон ишбилармонларининг Тошкент халқаро учрашувидан олган таассуротларини баҳам кўра туриб, жумладан:

— Ўзбекистон замини бизга Американинг йилига уч-тўрт маротаба ҳосил олса бўладиган Техас штати ерларини эслатди, — деганди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон — ҳизир назари тушган мамлакат. Унинг ерлари серҳосил. Баҳорда ерга таёқ қадаб қўйсангиз, бир йил ўтар-ўтмас мева берадиган ҳосиятли ўлка. Ер ости-ер усти бойликлари беҳисоб. Лекин шундай ўлка ерлари камида бир аср мобайнида оёқ ости қилинди. Ерларимиз ориқлаб қолди, баъзи майдонлар экилган уруғлик ҳажмида ҳам ҳосил бермай қўйди. Бунинг устига етиштирилган ҳосил турли йўллар билан марказга қарашли бўлиб қолди.

Тўғри, бизда ҳам бир майдондан ишбилармонлар уч-тўрт марта ҳосил олишади. Олинган ҳосил «Бутуниттифоқ фонди» деган ўпқонга юборилавергач, деҳқончиликка хушимиз қолмади. «Ҳар ойда маош берилади», дея кўплар ўзини шаҳарга урди. Шаҳарда эса Иттифоққа қарашли корхоналарга ишга киришди. Бундай ишхоналарнинг даромадидан буромади кўп эди. Хуллас, деҳқон ўғлининг қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам бири икки бўлмай келди. Иқтисодиётнинг мазасини марказ деган юҳо симириб турди.

Энди бошқа бир мисол. Буниси ер ости бойлигимизга тааллуқли:

● Маржонбулоқ олтин саралаш фабрикасида Америка томони билан ҳамкорлик шартномаси кучга кирди. Америка томонидан уни «Трайд и Бренна» компанияси, биз томондан эса, «Ўзбеколтин» саноат бирлашмаси вакиллари имзолашди. Мақсад — бу конда саралаш вақтида қолиб кетган олтин чиқиндиларидан тўлароқ фойдаланишдан иборат.

Нон билан олтин орасидаги фарқни шарҳлаб ўтирмаймиз. Иккаласи ҳам бойлик. Эл-юрт кунига ярайдиган ифтихоримиз. Фарқ шундаки, нон хом ашёси — ғалла ер устида унади, олтин эса ер остидан қазиб олинади. Нонинг увоғи нону, олтиннинг маъданлар орасида қолиб кетган зарралари олтин эмасми! Шу мулоҳазага кўра, маъдандан олинган аралаш жинслар орасидан қолдик — нодир металларнинг зарраларини ажратиб олишга аҳд қилинди.

Эътибор қилинадиган жиҳати шундаки, ер ости бойликларимиз, жумладан, олтинимизнинг бир мисқолига ҳам кўп йиллар мобайнида эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум эдик. Расмий тилда айтилишича, ер ости заҳираларимиз давлат монополияси эди. Яъни, олтинимизга хаддимиз сиғмасди. Ташиб кетишгагина мўлжалланган «бойлигимиз» эди. Яхшиямки, мустақиллик деган офтоб чиқди. Бу офтоб ўз бойлигимиз ўзимизда қолишига имкон яратди. Энди Ўзбекистон олтини десак арзийди.

Гап шундаки, неча ўн йиллар мобайнида жумҳуриятдаги нодир металлар ниҳоятда пала-партиш (айниқса, кейинги йилларда) тарзда қазиб олиниб, сараси ташиб кетилди. Шу ўринда пала-партиш сўзига алоҳида урғу бермоқчимиз. Нисбатан осонроқ қазиб олинадиган металлар шитоб билан сараланиши биринчи ўринга қўйилди. Олиш қийинроқ маъданлар турли жинслар орасида қолиб кетаверган. Бу эса ўзига хос исрофгарчилик бўлиб, тежамкорликка панжа орасидан қаралганини кўрсатади.

Америка-Ўзбекистон шартномасига кўра, олтин исрофгарчилигининг олди олинадиган бўлди. Америкалик мутахассислар Маржонбулоқ олтин саралаш фабрикаси ҳудудида тўпланиб қолган чиқиндиларни ўзбек ҳамкасблари билан биргаликда қайта ишлаб, улардан тилла ва кумуш ажратиб олишади.

Сирасини айтганда, бу компания нодир металлар ажратиб олишда юз йиллик тажрибага эга. Компания жаҳон амалиётида катта обрў ҳам орттирган. Шунга кўра «Трайд и Бренна» компанияси хизматидан фойдаланувчи давлатлар сафи кенгайиб, улар қаторига энди Ўзбекистон Республикаси ҳам қўшилди.

Ўзаро келишувга мувофиқ чиқинди ҳисобидаги жинсларни қайта ишлаш технология ускуналарини Америка компанияси етказиб беради. Маъдан қазиш техникаси ҳамда оғир юк кўтара оладиган транспорт воситалари билан таъминлаш вазифасини эса Ўзбекистон ўз зиммасига олди. Мутахассислар ҳисоб-китобларига қараганда йиллар давомида Маржонбулоқ фабрикаси ҳудудида қиммат баҳо маъданли чиқиндилар тепаликлари пайдо бўлди. Масалага жиддий ёндашилиши, фойдаси ённи фарқлай билиш, Америка компанияси билан шерикчилик натижасида чиқиндилар ҳам юрт манфаатига хизмат қила бошлайди. Шу тариқа исрофгарчилик, олтин исрофгарчилигининг олди олинади.

Келаси йилдан бошлаб чиқинди маъданларни қайта ишлаш корхонаси маҳсулот беради ва улар республикамиз олтин хазинаси чўғига барака киритадиган бўлади.

● Самарқандда «Ўзбекистон — Америка савдосотиқ ва маданият корпорацияси» халқаро иқтисодий алоқалар акционерлик жамиятининг вакиллиги фаолият кўрсата бошлади. Вакиллик президенти жаҳон ишбилармонлари даврасида машҳур ва таъсир доираси кенгайиб бораётган америкалик бизнесмен Абдурауф Мақсудийдир.

Сўнгги йилларда Абдурауф ака Ўзбекистонга серқатнов бўлиб қолди. Унинг юртимизга кўп ташриф буюриши катта фойда орттиришдангина иборат десак, тор фикрлаган бўламиз. чунки унинг ўзи Тошкентдаги учрашувларимиздан бирида мана бундай мулоҳаза юритганди: «Тошкентга мен икки ниятни кўнгилга тугиб келганман. Биринчидан, Ўзбекистонда, айниқса қишлоқларда кичик-кичик корхоналар қурсак дейман. Биз шу хайрли ишга сармоя сарфлашимиз, ҳамюртларимиз билан ҳамкорлик қилишимиз мумкин бўлади. Иккинчидан эса иқтисодиёт учун замонавий мутахассислар тайёрлашда кўмак бермоқчимиз. Мен ва ўғлим Фарид шу мақсадда Америка — Ўзбекистон корпорациясини туздик. Яхши ниятларим мол, дейдиларку, шояд эзгу орзуларимиз кушодини кўрсак».

Ҳа, ҳар кимнинг ҳам яхши нияти йўлдоши бўлсин.

● Фарғона вилоятидаги Риштон бадиий кулолчилик буюмлари заводи маҳсулотларидан бир туркуми Американинг Бостон шаҳрига юборилди. Бу маҳсулотлар Америка «Босмоско» фирмаси тижоратчилари ташаббуси билан ташкил этилган кўргазма-савдо тадбирида кўз-кўз қилинади.

Шу муборак хабар муносабати билан қадимий мақол хотирага келади. Ҳунарманд ҳар канча ишласа ҳам қўли тузук пул кўрмади, ёлчиб яшамади, ўзи тайёрлаган чойли буюмларини сотишдан барака топмади. Бошқача айтганда, «Кулол мўндида сув ичди». Шукур, энди ҳунарманд ҳам меҳнатидан рағбат оладиган бўлди. Риштон усталари меҳр билан ясаган бадиий кулолчилик буюмлари Америка кўргазмасида савдога қўйилгани мустақиллигимизнинг бир нишонаси.

Тўғри, илгари ҳам Ўзбекистон буюмлари чет элларга чиқариб сотилган, кўргазмаларда намойиш этилган. Лекин фойда-валютаси нималигини ҳунарманд кўрмаган. Мана энди «Босмоско» тижорат фирмаси ҳамкорлик қилиб, Риштон бадиий кулолчилик буюмлари кўргазма-савдосини уюштиришга бош-қош бўлиб турибди. Шерикларимиз Риштон буюмлари жаҳон бозорида харидоргир бўлишига бизни ишонтирмоқдалар.

Юқоридагиларни мулоҳаза қилиб келажакка умид-ишонч уйғонмоқда. Сиёсий мустақилликка эришган Ўзбекистон иқтисодий мустақиллик сари шаҳдам қадамлар қўймоқда. Бунда бизга жаҳондаги шерикларимиз, жумладан, Америка Қўшма Штатлари ишбилармонлари ҳам елкадош бўлаётгани кўнгилга таскин беради.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ.

Фарғона вилоятидаги Риштон бадиий сопол буюмлар заводи билан Афғонистондаги «Шомуҳаммад» фирмаси ўртасида 1 миллион 200 минг сўмлик мол айрибошлаш хусусида шартнома имзоланди.

Риштон корхонаси бизнинг республикамиздагина эмас, балки унинг ташқарисида ҳам машҳур. Корхона жаҳон мамлакатларига, жумладан АҚШ, Франция, Голландия, Норвегия ва бошқа мамлакатларга валюта ҳисобига маҳсулот жўнатиб турибди. Завод — турли халқаро бадиий буюмлар кўргазмаларининг доимий қатнашчиси.

Суратларда: корхона рассоми Саидахон Сотволдиева ва сопол буюмлар қолипловчиси Илҳом Тожибоев.

Ш. АЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.



■ ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР БЎЛСИН!

ФИДОЙИ

Эсимда, 1978 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясидан Тошкент фармацевтика олий билимгоҳига кафедра мудири бўлиб танловдан ўтганимда, ишни нимадан бошлаш ҳақида устозларим, профессорлар — Маннон Азизов ва Асон Муртазоев: — Латиф Тўлаганович иш услубини ўзингга мезон қилиб олсанг, кам бўлмайсан, — дейишганди.

Дарҳақиқат, устозлар маслаҳати менга қўл келди. Кўп йиллардан буён илм-фан соҳасида фидойилик кўрсатиб келаётган заҳматкаш олим Латиф Икромов бировларга яхшилик қилиб, ўзи олам-олам баҳра оладиган буюк фазилатли кишилар тоифасидан экан. Латиф ака менга муаллимлик сирларини, фармация илми ва фанининг нозик томонларини ўргатди, бу соҳада ишлаётган йирик фан намояндалари билан таништирди. Мен тез орада педагог ва кафедра мудири сифатида оёққа туриб олдим. Кейинчалик билсам, институтда мен каби Латиф Тўлаганович маслаҳатларидан баҳра олганлар талайгина экан. Уни таниганлар, билганлар билан суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз билимдонлиги, ўта камтарлиги, ишчанлиги, ширинсўзлиги, ёшларга меҳрибонлиги, оилада ҳам, иш жамоасида ҳам бирдек юксак одоб эгаси эканлигини алоҳида тилга оладилар.

Латиф аканинг ҳаёт йўли, фаолияти ўзи каби кўплаб таниқли ўзбек олимларникига ўхшаш. У пойтахтимизнинг Ачавот маҳалласида истиқомат қилган оилада вояга етди. Мактабда ўқиб юрган даврларидаёқ ўз умрини доришуносликка бағишлашга аҳд қилди, ҳеч иккиланмай доришунослар маскани — Тошкент фармацевтика олий билимгоҳига ўқишга кирди. У талабалик йилларидаёқ баъзи назарий, амалий масалаларда баҳслашишни яхши кўрар, ечимини топмагунча, қаноат ҳосил этмагунча ўқитувчиларидан, мутахассислардан сўрашдан эринмас, кутубхонадан, лабораториядан чиқмас эди.

Латиф Икромов физик ва коллоид кимё соҳасида илк ижод йўлига қадам қўйди. Уни талабалар илмий тўгарагига раис этиб сайлашди. Бу унинг ташкилотчилик фаолиятининг бошланиши эди. 1954 йилда институтни муваффақиятли битириб, Москвадаги фармацевтика институтининг Суд кимёси кафедраси қошидаги аспирантурада илм олишни давом эттирди.

Бу йиллар илмий ходим Икромов учун олтинга тенг давр бўлди. У фақат билим олиш, тажрибалар ўтказиш эмас, шу билан бирга ҳаётни ҳам ўрганди, фармацевтика фани, айниқса, токсологик кимё бўйича тадқиқот қилувчи йирик олимлар доирасига кирди. Илмий раҳбари, устози профессор Мария Димитриевна Швайко. Унинг таклифи билан 1959 йилда Латиф Икромов «Суд кимёси изланишларида кобальт бирикмаларини ажратиш, топиш ва аниқлаш» мавзусида фармацевтика фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация ёқлади.

Олим ўзининг одоби, маданияти, меҳнатсеварлиги билан ўрнак кўрсатиб, ёш ўзбек изланувчиларига Москва дарвозасини очиб берди. Латиф акадан сўнг ўнлаб ўзбек йигит ва қизлари Москвага ўқишга бориб, илмий даражалар олиб қайтишди. Бундан 30 йил бурун собиқ СССР минтақасида фармация соҳаси бўйича бор-йўғи етти нафар фан доктори бўлган бўлса, эндиликда фақат Тошкентда 7 та фармация фанлари доктори, 100 дан ортиқ фармация фанлари номзоди ижод қилмоқда. Ўша 50-60 йилларда сочилган уруғ ўз мевасини бермоқда. Латиф Икромов бу борада ўзбек привизор олимларига бир дарға бўлди. Ҳозир унинг шогирдлари ҳам шогирдлар тайёрлашмоқда.

Латиф Тўлаганович ҳақли равишда ўзбек токсикологик кимёси бўйича йирик илмий мактаб асосчиси ҳисобланади. Унинг 23 дан ортиқ илмий мақоласи токсикологик кимё фанига қўшилган йирик ҳиссадир. Унинг илмий фаолияти Ўзбекистондан ташқарида ҳам тан олинган. Бунинг ёрқин далили Л. Т. Икромов ташаббуси билан 1966 йилда ташкил этилган суд кимёгарларини ихтисослаштириш курсидир. Шу вақтга қадар бу курсда 120 дан ортиқ турли шаҳардан 546 нафар кимёгар экспертлар ўз малакаларини оширдилар. Л. Т. Икромов томонидан яратилган заҳарли моддаларни биологик объектларда аниқлаш устидаги 10 та услубий қўлланма тиббиёт амалиётига жорий этилди. У суд кимёси бўйича 2 та йирик дарслик муаллифидир. Унинг раҳбарлигида 13 та фармация фанлари номзоди тайёрланди. Ҳозирги кунда 2 та докторлик диссертацияси, бир неча фан номзоди диссертациялари ниҳоясига етиб қолди.

Профессор Л. Икромов элда эъзоз топган, юксак истеъдодли замондошларимиздан. Унинг эл-юртга қилган хизматлари муносиб тақдирланди, у «Халқлар дўстлиги», «Ҳурмат белгиси» орденлари ва бир қанча медаллар билан мукофотланди.

Ижодий кучи барқ ураётган олимнинг режалари катта. У аввало илмий изланишлари натижасини амалиётда қўллаш, назарий ишларни чуқурлаштириш, қолаверса халқ хўжалигида ишлатилаётган заҳарли моддаларнинг олдини олиш чораларини кўриш ва ёшлар билан ишлаб, илмий изланишларни давом эттириш ниятидадир.

С. АМИНОВ,
Тошкент фармацевтика олий билимгоҳининг илмий ишлар бўйича проректори, кимё фанлари доктори, профессор.

*

Сирдарё гўшт комбинати ҳузурида колбаса цехи маҳсулот тайёрлаб чиқара бошлади. У ҳар кеча-кундузда 2 тоннага етказиб биринчи навли маҳсулот бермоқда. Бу Ерда Германиядан келтирилган юқори унумли ускуналардан самарали фойдаланиляпти.

СУРАТДА: цехнинг илғор ишчилари Ҳанифа Юнусова, Ҳалима Исмоилова ва Эмина Ботирова.

(ЎзА).

Р. ШАГАЕВ олган сурат.

*

• ОЧИҚ, АММО АЧЧИҚ МУЛОҲАЗАЛАР

БУ КУНЛАР ҲАМ ЎТАР

Иқтисодий танглик кўпгина хўжаликларнинг супрасини қоқиб ташлади. Ҳатто бундан бир неча йил илгари миллионерман, деб юрган бизнинг хўжалигимизни ҳам бугунги кунда довдиратиб қўйди. Лекин энг ёмони бир-бирини тушунмасликдир. Айтайлик, йиллар давомида район ипакчилик идораси у деб-бу деб бизга тегишли улушни шу пайтгача қайтариб бермади. Ваҳолонки, жами пилламизнинг режадан ортиқча ўн бир тоннасини валютага сотсак ёки бартер қилсак, рўзғоримиздаги кам-кўстимизни бутлаб олардик.

Республика Президентининг пахтанинг режадаги беш фоизини ҳамда режадан ортиқчасини пахтакорнинг тасарруфига қолдириш ҳақидаги Фармони кўнглимизга далда берди. Очиғи, беш фоиз унча-мунча харажатни қоплашга урвоқ ҳам бўлмас, деб ўйлагандик. Ёки пиллада бўлгани сингари бу тасарруфдан ҳам бенасиб қолсак керак, деган андишаларга борганимизни яшириб ўтирмайман. Лекин бу гал муз яхши кўчаётган кўринади. 1991 йил ҳосилидан 2200 тоннадан зиёдроқ пахтани ўзимиз сотадиган бўлдик. Масалан, харидорлардан бири толанинг ҳар тоннасини 1500 доллардан оламан, деб келди. Ўйлаб кўрсак, доллар—валюта хомталаш бўлар экан, — айрим «марказ»ларга мўмай-мўмай улуш тегаркан. Шунинг учун толани совет пулига—164 миллион сўмга сотадиган бўлдик. Агар бултурги барча соҳалардан олган даромадимиз 57 миллион сўм атрофида бўлганини инобатга оладиган бўлсак, ўвимиз сотган толадан келаётган даромад қанчалик салмоқли эканлигини ҳис этиш осон бўлади.

Бироқ, ўша 164 миллион сўмдан пахта тозаловчиларга тегирмон ҳақи бериш керак. Йўл харажатларини қоплаш, 30 фоиз солиқ тўлаш керак. Лекин, ҳар қалай бу иш — яхши иш бўлди. Президентимизнинг пахтанинг 15 фоизини хўжаликнинг ихтиёрига қолдириш ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг муайян қисми ишлаб чиқарувчининг тасарруфида бўлишини таъминлаш хусусидаги Фармони эълон қилиниши бундан ҳам яхши бўлди. Шу Фармонга қадар биз гўё ўзимизни боши берк кўчага кириб қолгандай ҳис қилгандик. Ахир нарх-навога эрк берилиши, техника воситаларининг, ёнилғининг нархи хаёл доирасига сиғмай қолгани, «биз фалон миқдорда давлат буюртмасини бажарамиз» деб эски йўлдан чиқолмай турган хўжаликни, юқорида эслатганимдек, довдиратиб қўйган эди-да.

Ҳозирда «ҳар ким ўз кунини ўзи кўриши керак», деган гапни эшитиб қоламан. Бу гапдан таъсирланиб, биз ҳам шундай шиорга суянгандек бўлдик. Ўзимиздан чиққан донни бултур деярли «бегона» қилмадик. Одамларга шоли, буғдой, арпа, мол, сабзавот бердик. Энди шолизорларни кенгайтириб, ғаллазорларни саккиз юз гектарга етказсак, ҳудудимиздаги 23 минг кишини ўзимиз таъминлаймиз, деган ҳисобларни чиқардик. Молга мол қўшяпмиз. Фермаларни, айниқса, сут-товар фермаларини кўпайтиряпмиз. Минг гектар боғ ва узумзор яратамиз. Шу йилнинг ўзида тўрт гектар ерга мевали дарахт, ток кўчатларини ўтказяпмиз. Консерва заводини ишга туширдик.

Лекин бу гаплар «ўз кунимизни ўзимиз кўряпмиз», дегани эмас. Чунки, олти минг гектар суғориладиган ерни омоч билан ҳайдаб улгуриб бўлмайди. Яна денг, бу ерларнинг ҳаммаси насос билан суғорилади. Электр энергияси бўлмаса ёки насос агрегати бузилса, осмондан туриб ҳеч ким бизга ёрдам бермайди. Иш тўхтайди-қолади. Ёки ўзимиз етиштираётган пахтадан ҳатто пайпоқ тўқишга ўрганишимиз учун ҳали аллақанча вақт керак бўлади.

Энди фақат биз эмас, бошқалар ҳам ўз кунини ўзи кўриши осон бўлмайди, ахир. Масалан, бензиннинг бир литри учун 25 сўм сўраётганларга биз ҳам бир килограмм пиёзимизни юз сўм десак, «ҳар ким ўз кунини ўзи кўриш»ни ана шундай юз-хотирсиз, қитмирона усул деб тушунадиган бўлсак, бу ҳолда сих ҳам куяди, кабоб ҳам.

Афсуски, ҳозир шундай бўляпти. Сихни ҳам, кабобни ҳам куйдиришга мойиллик сезиляпти. Тижорат маданиятининг бир қонуни бор — қимматфурушга ҳеч ким молини арзон қилиб сотмайди. Айтмоқчиманки, бу ўнқир-чўнқир йўллар бориб-бориб бир-биримизни тушунишни ҳам ўргатади. Ўша ўргатув мавсумига қадар ҳеч кимдан ўпкалаб ўтирмасдан белни маҳкам боғлаб ишламоқ жоиз.

Э. ЖУМАЕВ,
Қумқўрғон районидаги «Москва» жамоа хўжалиги раиси.

• Акс-садо

СЎНГГИ НУҚТАНИ СУД ҚЎЯДИ

«Ўзбекистон овози»нинг шу йил 16 январь сонида босилган Азиз Юнусовнинг «Халқ суди — у қандай бўлиши керак» деган мақоласига ўз муносабатимни билдирмоқчиман.

Мақолада кўрсатилганидек, ҳақиқатдан ҳам жумҳуриятимиздаги район, шаҳар, вилоят судлари моддий томондан ночор аҳволда. Бу тегишли вазирликларга ҳам аён.

Ҳозирги иқтисодий танглик даврида бу гапларни такрорий айтиш мавруди эмас. Лекин барибир иқтисодий камчиликларни бартараф этмасдан туриб, ҳуқуқий давлат тузишдек сиёсий ишни амалга ошириш анча қийин.

Мен А. Юнусовнинг участка судлари тузиш деган фикрига қўшилмайман: сабаби, биринчидан, иқтисодий етишмовчилик бўлса, иккинчидан, ишларнинг объектив кўрилиши ҳам яхши бўлмайди.

Фақат ҳозирги вақтда судларда ишларнинг кўплигини ҳисобга олиб, бир-иккита қўшимча штат берилса, шунинг ўзи етарли.

1989 йилда судларнинг юқори Советлар томонидан сайлаб қўйилиши бу судларнинг мустақиллигини оширди ва райондаги раҳбарларнинг суд ишларига аралашувига чек қўйди.

Шу йил 8 январда Президентимиз томонидан чиқарилган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармоннинг 6-бандида: «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ижроия комитетлари уч ой муддат ичида судларни, нотариал идораларни, ЗАГС органларини ва адвокатларнинг ҳуқуқий маслаҳат бериш хоналарини бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари ҳамда ташкилий техника билан таъминлашга ёрдам берсинлар» деб кўрсатилган. Шундай экан, эндиликда ушбу Фармон ижросини Адлия вазирлиги, вилоят адлия бошқармалари ва вилоят ҳукуматлари ўз назоратларига олсалар яхши бўларди.

Маълумки, ҳар қандай фуқаролик ва жиноят ишларининг ҳал қилинишида сўнгги нуқтани суд қўяди. Шундай экан, судларнинг мустақиллигини ва ҳуқуқий устунлигини янада ошириш керак, деб ҳисоблайман.

Бу борада хорижий мамлакатлардаги судларнинг иш фаолиятларидан тажриба олиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмасди.

Б. СУЮНОВ,
Қашқадарё вилояти Ғузор район халқ судининг раиси.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

АФҒОНИСТОН ИЛТИМОСИ

●КОБУЛ. Афғонистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёноти тарқатилди. Унда Афғонистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига қабул этиш ҳақидаги илтимоси расмий равишда маълум қилинади.

Афғонистон бу ташкилот қоидаларини тўла қўллаб-қувватлайди. Ташкилотда қатнашувчи мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Теҳронда ўтаётган кенгаши муносабати юқорида тилга олинган ҳужжат матни тарқатилган.

ЯНГИ РЎЗНОМА

● МОСКВА. Россия ҳукуматининг янги кундалик рўзномаси «Российское вести» деб номланади.

Янги рўзномани таъсис этиш тўғрисидаги Президент Борис Ельцин қарори РАТА-ТАСС орқали тарқатилди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

● ЛИССАБОН. Май ойида Португалия пойтахтида халқаро анжуман очилади.

Унда қатнашиш учун собиқ СССРдаги барча республикалар, шу жумладан Болтиқбўйи давлатларининг вакиллари таклиф этилиши кўзда тутилади.

Анжуманда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги — (МДҲ)га кўмаклашиш масалалари муҳокама этилади.

ҒОЯТ ТИҒИЗ САФАР

● МАДРИД. Россия Федерацияси ҳукумати раиснинг ўринбосари, иқтисоднёт ва молия вазири Егорь Гайдар Испанияга расмий ташриф буюрди.

Ғоят тиғиз ўтган сафар давомида ҳужжатлар имзоланди. Шунга кўра Россия кредитлар, сармояларни ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий ва саноат соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Совет — Испания битимларидан келиб чиқадиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вориси бўлиб қолади.

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ

● ОТТАВА. Қирғизистон Президенти Асқар Акаев Канадага бир кунлик ташриф билан келди.

Ташриф давомида иккала мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида аҳдлашиб олинган.

КИМ ПРЕЗИДЕНТ БЎЛАДИ?

● НЬЮ-ЙОРК. Америкада президент сайловолди кампанияси бошланди.

Нью-Гемпшир штатида кампаниянинг дастлабки биринчи сайлови ўтди. Бу ерда демократ даъвогарлардан 5 киши ўз партиясининг миллий съездига 18 вакил ва икки даъвогар — республикачи 23 вакилнинг овозини олиш учун курашди. Шу партияларнинг ҳар бирида президент лавозимига расмий номзод кўрсатилади.

ЙЎЛ ОЧИҚ

● ТОКИО. Осиё тараққиёт банки президенти Кимимаса Тарумидзу «Нихон кэйдзай» рўзномаси мухбири билан суҳбатлашди. Бу рўзнома иқтисодий масалаларни ёритади.

Суҳбатдан маълум бўлишича, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган Ўрта Осиё мамлакатлари Осиё тараққиёт банкига қабул қилинишлари мумкин, Бу мамлакатлар тегишли расмий илтимос билан мурожаат қилсалар, банк шу ҳақдаги масалани кўриб чиқишга тайёр эканлиги айтилади.

КАШПИРОВСКИЙ РЕЖАСИ

● МОСКВА. А. Кашпировский яқинда Арманистондан қайтиб келди. У журналистларнинг Марказий уйида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Мулоқот давомида у ўз сўзини руҳий даволашнинг долзарб масалаларига бағишлади, саволларга жавоб қайтарди. У Польша, Чехословакияга бориш ҳақида таклифномалар олганлигини ҳам айтди.

(Ахборотлар жаҳон агентликлари хабарлари асосида тайёрланди).

СПОРТ

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧРАШУВЛАР

● ФРАНЦИЯНИНГ Альбервил шаҳрида ўтказилаётган қишки олимпиада ўйинлари оралиқ маррадан ўтди. Ҳар бир мамлакат жамоаси мавқеини мустаҳкамлашга интилмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги спортчиларининг аҳволи, ҳам чакки эмас. Чанғичиларнинг ўн километрга пойгасида Любовь Егорова олтин медаль олган бўлса, Елена Вяльбе совринли учинчи ўринни олди. 4х5 километрга эстафетали пойгада ҳам спортчиларимиз маррада биринчи бўлишди. Фигурали учиш устаси Виктор Петренько эса умумий жамғармани яна битта олтин медаль билан бойитди. Хоккейчилар ҳал қилувчи ўйинларни ўтказишга тайёрланишмоқда. МДҲ терма жамоаси чорак финал учрашувини Финляндия жамоаси билан ўтказади.

ОЛТИН, КУМУШЛАР

● ТАМБОВ шаҳрида бокс бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионати ўтказилди. 57 килограмм вазнли тошкентлик В. Белосаров бронза медали соҳиби бўлди. 75 килограмм вазнли боксчилар сафида баҳслашган И. Бунин ғолиблик ва супасининг учинчи поғонасига кўтарилди. Таниқли боксчимиз А. Григорян эса 60 килограмм вазнли спортчиларни енгиб чемпионликни қўлга киритди.

ДЎСТОНА БЕЛЛАШУВЛАР

● ТОШКЕНТДА эркин кураш бўйича Ўзбекистон ва Қирғизистон полвонлари ўртасида ўтказилган мусобақа ўзига хос дўстлик ва ҳамкорлик рамзига айланди. Майдон эгалари жамоаси асосан «Лидер» клуби аъзолари асосида таркиб топган эди. Кўпчиликда катта қизиқиш уйғотган мусобақада тошкентликлар 7:4 ҳисобида ғалаба қозонишди. Беллашувда Р. Исломов, М. Қораниброҳимов, И. Ғофуров, А. Иброҳимов, А. Телегин, К. Омуралиевлар совринли ўринларни эгаллашди.

БОШ МЕЗОН

Қорақалпоғистон Республикасининг фан ва маданияти аввалги йилларга нисбатан ривожланди. Олимлар ижодий меҳнатларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши қишлоқ хўжалиги тармоқларини, жумладан пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчиликни ривожлантиришда яхши самараларга эришилмоқда.

Эндиликда Нукус шаҳри илмий марказ бўлиб қолмоқда. 1959 йилда Нукусда Тарих, қорақалпоқ тили ва адабиёти фани комплекс илмий тадқиқот институти, 1976 йилда ҳисоблаш маркази, ҳуқуқ илмий-тадқиқот институти ва ботаника боғи очилган эди. Мана шу 3 та мустақил илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиалига бирлаштирилган. Филиал олимлари илмий-тадқиқот ишлари юзасидан катта ишларни амалга оширдилар. Уларнинг 400 га яқин монографиялари, рисола ва тўпламлари чоп этилди.

Республикада фан ва маданиятни янада ривожлантириш, илмий кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бош мезон бўлиб қолди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг бўлими бўлиб қайта ташкил этилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Мутахассис сўз сўрайди

ЭЛ ДАСТУРХОНИНИ ЎЙЛАБ

Февраль ойи ўтган йиллардагига нисбатан анча илиқ келди. Шунга қарамай республикамизнинг чорва фермаларида қишлов анча оғир кечмоқда. Бунга асосан озуқа етишмаслиги сабаб бўляпти.

Хўш, бу қандай юз берди? Аввало, ўтган йили кўкламда ва ёз ойининг бошларида юз берган табиат инжиқликлари туфайли озуқа экинларига зарар етди. Устига-устак кўпгина хўжаликларда озуқа етиштириладиган майдонлар қисқартириб юборилди. Ҳосилдорлик ҳам паст бўлди.

Пировардида беда пичани кам жамғарилди. Ширали озуқаларнинг ҳажми режадагидан анча кам бўлди. Бу кўрсаткичлар ўтган йилларга нисбатан ҳам анча пасайиб кетди. Жумладан, жумҳуриятимиз бўйича пичан жамғариш режаси атиги 65,7 фоизга адо этилди. 2437,8 минг тонна ўрнига 1601,6 минг тонна миқдорида пичан жамғарилди, холос. Маккажўхоридан силос бостириш режаси 73,4 фоизда қолиб кетди. Яъни бор-йўғи 3456,8 минг тонна миқдорида силос бостирилди.

Сут маҳсулотини кўпайтирадиган муҳим озуқа—озуқабоп лавлаги жамғариш режаси ҳам атиги 78,6 фоизда қолиб кетди. Ёки режада белгиланганига нисбатан 181 минг тонна кам лавлаги жамғарилди.

Агар шунча озуқа йўқотилмаганда эди, қўшимча 49 минг тонна гўшт ёки 445 минг тонна сут маҳсулоти тайёрлаш мумкин бўларди. Кўпчилик пахтачилик хўжаликлари озуқа жамғариш режаларини атиги 45—50 фоизга бажарганлар. Шундай ҳолат чорвачилик озуқа базасига катта зарар келтиряпти. Натижада молларнинг мавжуд ирсий маҳсулдорлигидаги 40—45 фоизгача бўлган гўшт ва сут маҳсулоти олинмаяпти. Айниқса, бу аҳвол қиш фаслида жуда ойдин бўлмоқда.

Демак, аввалмбор, тўйимли озуқа базасини яратиш сиёсатини ўзгартиришимиз керак. Шу кунларда сигир, тана ва бузоқларни озиқлантириш, уларни соғлом сақлаш омилкорликни талаб қилади. Молларнинг семиришини, сут маҳсулотини оширишни таъминлашда хўжаликларда мавжуд бўлган озуқалардан унумли фойдаланишга осонлик билан эришиб бўлмайди. Бунда фан ютуқлари ва илғор тажрибалардан унумли фойдаланиш жуда муҳим. Моллар маҳсулдорлигини сақлаб қолган ҳолда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уни сотиқ миқдорини кўпайтиришга қаратилган имкониятларни ишга солишимиз керак.

Айни кунларда чорвачиликдан зарар кўраётган хўжаликлар кўплаб топилади. Эндиликда чорвачилик фермалари асосида деҳқон-фермер хўжаликларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлиб қолди. Чунки фермер ўзига қабул қилиб олган чорва моллари ва озуқабоп экинлар экиладиган ерларнинг ҳақиқий жонкуяр эгаси бўлади. Фермер моллар, ерлардан унумли фойдаланади, маҳсулдорлигини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Ҳақиқий фермерлар 50—100 бош қорамол, шу жумладан, 20—40 бош соғин сигир боқиб, 15—20 гектар суғориладиган ерда озуқабоп экин етиштириши мумкин.

Голландия ва бошқа давлатларда фермер хўжаликлари ана шу усулда ташкил қилинган. Бизнинг жумҳуриятимизда ҳам ҳақиқий фермер хўжаликлари ўнлаб топилади. Бухоро вилояти, Қорақалпоғистон республикаси ва бошқа вилоятлардаги илғор фермер хўжаликларининг самарали иш натижалари кенг оммалашмоқда. Натижада кўплаб шундай хўжаликлар ташкил қилиняпти. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг деҳқон-фермер хўжаликлари тўғрисидаги Фармонлари чорвачилик маҳсулотларини янада кўпайтиришга имконият яратади, чорвачилик самарадорлигини оширади.

Энди асосий эътиборни малакали фермер тайёрлашга қаратиш, уларга ишбилармонлиги ва тадбиркорлигига қараб қорамол, ерларни топшириш эътибор беришимиз керак. Малакали, тадбиркор фермер хўжаликни яхши бошқаради, унинг самарадорлигини кўтаради. Шуни айтиш керакки, Голландияда фермерларни ўқитадиган ўқув-ишлаб чиқариш маркази ташкил қилинган. У ерда фермерлар ҳар йили ўз малакасини оширадилар. Худди шундай фермерлар тайёрлаш марказини илмгоҳимизнинг тажриба мактаби қошида ташкил қилиш масаласи Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигига таклиф қилинди. Илмгоҳимиз қошида кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган илғор тажриба мактаби мавжуд. Малакали чорвадорлар, деҳқончилик илмини эгаллаган тажрибали олимлар ва мутахассислар кўп йиллардан буён иш олиб борадилар. Шуларга қўшимча равишда яна тажриба фермер хўжалиги ташкил қилиш тадбирлари кўрилмоқда. Лойиҳа асосида фермер оиласи яшайдиган уйлар, чорва моллари сақланадиган молхоналар, сутдан — қаймоқ, пишлоқ, бринза тайёрлайдиган цехлар қуриш, деҳқончилик қилиш учун маълум миқдорда ер ажратиб бериш режалаштирилди.

Бу ерда фермерларга молларни урчитиш, боқиш, маҳсулдорлигини ошириш, бринза, пишлоқ, колбаса ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш технологияларини ўқитиш имконияти яратилди. Бу марказни тезда ташкил қилиш жуда муҳим. Ташкилий масалаларни амалга ошириш, қурилиш материаллари, техника ва ускуналарни олиш, уни сермаҳсул моллар билан таъминлаш, ерларни ишлашда қўлланиладиган техникани етказиб бериш, бошқа масалаларни амалга оширишда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда ишлашимиз зарур.

Шу билан бирга ҳали жамоат чорвачилигини ривожлантириш борасида ҳам имкониятлар бор. Жумладан, жумҳуриятимизда боқилаётган сигирлар ирсий хусусиятига кўра ўрта ҳисобда 3500—4000 килограмм сут бериши мумкин. Аввало, шу имкониятдан фойдаланиб ялпи сут маҳсулоти ишлаб чиқаришни кескин кўтаришимиз керак. Гўштни кўпайтириш, уни эл дастурхонига етказиб беришимиз учун қорамолларнинг тирик вазнини 450—480 килограммга етказиш шарт. Бунинг учун молларни интенсив озиқлантиришга эришиш муҳим. Шундагина қишлов беталафот ўтиб, эл дастурхонига кўплаб сифатли маҳсулот етказиб берилади.

У. НОСИРОВ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот илмгоҳи «Племэлита» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.

АХБОРОТ

Юбилейга бағишлаб

Бу йил хассос шоира Нодирабегим таваллудининг 200 йиллиги кенг нишонланади. Бу санани муносиб нишонлаш мақсадида жойларда катта тараддуд кўрилмоқда. Андижон вилояти «Андижоннома» рўзномаси ҳам шоира таваллудини муносиб кутиб олиш, унинг меросини чуқурроқ ўрганиш, тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон тарғибот маркази билан ҳамкорликда Нодирабегим ғазалларига бағишланган энг яхши мухаммаслар танловини ўтказишга қарор қилди.

Мухаммаслар учун мукофотлар таъсис этилди. Биринчи ўрин учун битта 500 сўмлик, иккинчи ўрин учун иккита 300 сўмлик ва учинчи ўрин учун битта 100 сўмлик мукофотлар белгиланди.

Танлов октябрь ойида якунланади. Унгача ҳайъат номига юборилган мухаммаслар рўзнома саҳифаларида бериб борилади. У ҳақдаги муштарийларнинг фикри ҳам инобатга олинади.

Янгича ёндашиб

Саида Зуннунова номидаги Бўз педагогика билим юртида «Одобнома» дарсларини ўтказишда янгича ёндошляпти. Яқинда бу ҳақдаги дарсни истеъдодли шоира, Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси Турсуной Содиқова олиб борди. Кейинги машғулотда эса Бўз район масжиди имоми Аҳад қори иштирок этди. Билим юрти талабаларининг одобахлоқи, бугунги кун қийинчиликлари ва уни енгиш ҳақидаги имомнинг суҳбати ёшларда катта таассурот қолдирди.

— Биз машғулотларни шу тарзда ўтказишни режалаштириб қўйдик, — дейди билим юрти директори Т. Низомов. — Кейинги машғулотни Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи, «Одобнома» қўлланмасининг муаллифи Турсунали Қурбонов олиб боради. «Тарих билан юзма-юз» мавзуидаги машғулотга эса, шоир, «Сарбадорлар»-романининг муаллифи Муҳаммад Алини таклиф этмоқчимиз.

«Одобнома» машғулотларини олиб боришда намунали оилалар тажрибаси, маъмурий органлар, никоҳ уйлари мутасаддилари билан учрашувлар режалаштирилган. Шунингдек, «Саодат» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Ҳалима Худойбердиева, шоира Мукаррама Муродова ва бошқалар билан учрашувлар ҳам кўзда тутилляпти.

М. ҚУРБОНОВ.

ТУПРОҒИНГ КЎЗИМГА ТЎТИЁ, ОНА ЮРТИМ

ҲАМЮРТИМИЗ НОСИРЖОН РУСТАМОВ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК ЖУДОЛИКДАН СЎНГ ЖОНАЖОН ДИЁРИГА ҚАЙТДИ

... Шу куни Тошкент яқинидаги тайёрагоҳ одамлар билан гавжум эди. Бу ерга собиқ жангчиларни кутиб олиш учун республикамиз қатор вилоятларидан ва пойтахтимиз Тошкентдан вакиллар тўпланишди. Учрашув онлари яқинлашган сари уларнинг ҳаяжони ортиб борарди. Бу тушунарли, албатта. Йиллаб давом этган айрилиқ уларнинг жигар-бағрини ўртаб юборганди. Шунинг учун ҳам орзиқиб кутилаётган ҳар бир дақиқа йилга тенгдек туюларди.

Ниҳоят тайёрагоҳ узра интизорлик билан кутилаётган «ИЛ-18» ҳаво кемаси кўринди. Унинг ерга қўнишини ҳамма интиқлик билан кута бошлади. Тайёра парраклари айланишдан тўхтаб, унга пиллапоя келтирилиши биланоқ дастлаб ҳаяжонли кўзлари мўлтираган Носиржон Рустамов билан унинг халоскорлари тушиб келишди.

Гуллар билан қучоғи тўлган Носиржонни бир зумда ҳамқишлоқлари, ёр-биродарлари қуршаб олишди. Барчанинг кўзи ёшга, қалби қувончга тўла эди. Улар собиқ жангчини қўйиб юбормай қайта-қайта бағирларига босишарди. Уларнинг меҳр-оқибатидан Носиржоннинг ҳам дийдаси тўлди.

— Носиржон, айтингчи, она юрт заминига қадам қўйганингизда ўзингизни қандай ҳис этдингиз?— сўрадик ҳаяжонини босолмай жовдираб турган йигитдан.

— Онадан қайта туғилгандек бўлдим. Кутиб олувчиларнинг қувноқ чеҳраларини кўриб тўққиз йиллик азоб-уқубатларимни бир зумда унутиб юбордим. Қарийб бир ярим йиллик жангдан сўнг Қобул яқинида асир тушиб қолдим. Ўшандан бери Худодан ана шундай ёруғ кунларга тезроқ етказишини илтижо қилиб яшадим. Иншоолло, ниятимга етдим. Она замин хуш бўйи нақадар муаттар бўлишини мен ана шу йиллар ичида чуқур ҳис қилдим. Тупроғинг кўзимга тўтиё, она юртим... Носиржон ҳаяжондан гапиролмай энтикди.

— Инсонпарвар ҳукуматимизга, шахсан Президентимиз Ислом Каримовга каттадан-катта раҳмат, — деди Носиржоннинг отаси Умматқул ака. — Уларнинг тинимсиз ҳаракати билан мана, ниҳоят, кўп йиллик айрилиқ ортда қолди. Ёлғизим яна бағримга қайтди.

Ҳа, ўн уч йил муқаддам Афғонистонга чекланган совет қўшинларининг киритилиши минглаб оилаларга ғам-андуҳ келтирди. Кўплаб йигитларимиз қўшни мамлакатдаги жангу жадалларда шаҳид кетдилар, муштипар оналар уларнинг совуқ тобутларини қучоқлаганча бағри доғланди. Қанчадан-қанча азаматлар у ердан ногирон ва мажруҳ бўлиб қайтишди. Кўплаб йигитларнинг тақдири эса яқин-яқингача номаълум эди. Республикамиздан ҳам элликдан ортиқ оилага фарзандларининг «бедарак йўқолган»лиги тўғрисида хабар қилинганди. Аммо ноумид шайтон.

Инсон доимо яхшиликка умид боғлайди. Афғонистонга кетиб, қайтиб келмаган аскарларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари бир неча йилдан бери илҳақ бўлиб яшамоқдалар. Сўнгги йилларда кўпгина йигитларимиз ҳаётлиги, улар хорижда асирликда кун кўраётгани маълум бўлди.

Республикамиз раҳбарияти ташаббуси билан уларнинг ўн икки нафари хозирдаёқ эсон-омон ота-оналари бағрига қайтарилди. Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари Фарғона водийсидан бўлган яна уч нафар собиқ жангчи — Носиржон Рустамов, Қосим Эрматов ва Рустам Абдукаримовлар Покистонда мужоҳидлар қўлида асирда эканлигини аниқлашди. Шундан сўнг уларни қутқариш чоралари кўрила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи комитети ишга киришди.

Комитет бу борада Россия парламенти билан биргаликда ҳаракат бошлади. Улар бир неча бор Покистонда бўлиб, мужоҳидлар бошлиқлари билан музокаралар олиб боришди. Бир битимга келингач комитет раиси, Ўзбекистон халқ ноиби В. Ниёзматов ва Россия халқ ноиби И. Андронов, асирдаги йигитларнинг оталаридан иборат гуруҳ махсус самолётда Исломободга йўл олди. Савоб ишга ҳисса қўшишга аҳд қилган «Ўзбекистон» агросаноат биржаси ҳиммат кўрсатиб, уларнинг сафари билан боғлиқ барча сарф-харажатни тўлади.

— Биз уччала йигитимизни ҳам асирликдан қутқардик, — деди В. Ниёзматов. — Аммо айрим сабабларга кўра наманганлик Қосимжон билан андижонлик Рустамжон биз билан қайтишга унашмади. Балки навбатдаги сафарда улар ҳам келиб қолишса ажаб эмас. Зеро, бу Россия парламенти билан ҳамкорликдаги ҳаракатимизнинг бошланиши. Яқинда республика Олий Кенгашида тақдир тақозоси билан хорижда қолиб кетган кишиларни юртига қайтариш билан шуғулланувчи махсус комиссия тузилди. Россиялик биродарларимиз билан бу борада қўлни-қўлга бериб янада самаралироқ иш олиб боришга келишиб олдик. Миллатидан, собиқ Иттифоқнинг қаерида яшаганлигидан қатъи назар, қолган асирларни ҳам озод қилиш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлаш ниятидамиз.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: собиқ байналминалчи-жангчи Н. Рустамовни кутиб олиш маросими.

А. Горокрик (ЎзА) олган сурат.

ФАОЛИМИЗ ХОТИРАСИ

Таниқли драматург, Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театрининг ташкилотчиларидан бири. Театр арбоблари уюшмасининг аъзоси, «Ўзбекистон овози» рўзномаси қабулхонасининг фаолларидан бири бўлган жонкуяр инсон Иброҳим Аҳмедов 75 ёшида оламдан ўтди.

Иброҳим Аҳмедов узоқ йиллар давомида «Ўзбекистон овози» қабулхонасида жамоатчилик асосида холис хизмат қилиб турли масалаларда рўзнома муҳарририятига мурожаат этган кишиларнинг муш-кулини осон этишда ўз вақтини, куч-қувватини аямади, елиб-югурди. Шу фазилатлари билан у муштарийларимиз ва жамоамиз ўртасида беҳад ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган эди.

Рўзномамиз муҳарририяти журналист, ёзувчи ва кўплаб таниқли санъаткорларнинг устози бўлган талантли режиссёр Иброҳим Аҳмедовнинг номини ҳамиша ҳурмат билан хотирлайди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги

А. ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича

профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МУДИР: халқ чолғу асбоблари.
ПРОФЕССОР: сиёсатшунослик ва ҳуқуқ;

ДОЦЕНТЛАР: халқ мусиқаси (2); мусиқа назарияси ва тарихи; оммавий байрамлар режиссёр-ташкилотчиси ва халқ ижодиёти;

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР: хор ҳаваскорлиги раҳбари (2); библиографияшунослик, маданият назарияси ва тарихи, эстетика, этика, халқ мусиқаси;

ЎҚИТУВЧИЛАР: маданият назарияси ва тарихи, эстетика, этика (2), пуфлама чолғулар;

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.
Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700164, Тошкент шаҳар, Яланғоч даҳаси, 3-сектор, 127-«а» уй.

Телефонлар: 62-04-64, 62-03-23.

«СЕРВЕКО-КРОСНА» — ФАЗОВИЙ ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР ТИЗИМИ

Европа, Ҳиндистон ва Хитой телестудияларининг ажойиб тасвири ва уларни сифатли қабул қилиш. Кечаю-кундуз давомида — узлуксиз!

— Аъло даражали ишлатиш хусусиятлари!

— 8-16 каналли тизим бўйича масофадан бошқариладиган (ВВС. МТУ, ЕВРОСПОРТ ва бошқалар) дастурларнинг улкан кўлами.

— Якка тартибда ва оммавий фойдаланиш имконияти.

— Қафолатли ва кафолат муҳлатидан кейинги хизмат кўрсатиш.

Сиз учун мўлжалланган қулайликлар — биздаги юксак сифат, сервис ва арзон нархлар демакдир.

Таъминот ва мавжуд тизим билан таништирув «Сервеко» қўшма корхонаси томонидан амалга оширилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 107-уй. Ўзбекистон Республикаси Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, «Сервеко» қўшма корхонаси.

ТЕЛЕФОНЛАР: 34-19-73, 34-32-89.
ФАКС: 34-53-91.

Тошкент вилояти Тошкент районидаги «ТОШКЕНТ» агрофирмаси қошидаги тажрибавий ижара пудратидаги «ДУСТЛИК» иссиқхонасининг йўқолган

думалоқ муҳри ва бурчакли штампи

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

• Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

ЭЗГУ НИЯТ

Тошкентнинг Навоий кўчаси тобора чирой очиб бормоқда. Ҳозир эски ярмарка ўрнида янги савдо дўконлари қад ростлаяпти. Яқинда «Ташгалантерейторг» яна бир хайрли ишга қўл урди. Ҳамза театри рўпарасида янги савдо дўкони қад ростлади.

— Бу замонавий дўконни Тошкент шаҳар қурилиш бошқармасига қарашли 159-трестнинг 22-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қуриб бердилар, — дейди дўкон бошлиғи Қурбон Ёқубов. — Бу ерда жами 1 миллион 100 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Савдо саҳни 460 квадрат метр бўлган бу дўконнинг атторлик, атир-упа, пайпоқ ва оёқ кийимлари, тўқимачилик моллари, тайёр кийимлар, газламалар ва воситачи бўлимлари мавжуд. Харидорларга 35 нафар малакали савдо ходими хизмат кўрсатмоқда.

Ҳозирги иқтисодий танглик ва қимматчилик пайтида савдо ходимлари шаънига турли эътирозлар бўлиб тургани аниқ. Лекин савдо ходимлари орасида ўз касбига садиқидилдан хизмат қиладиган, халқнинг фойдасини ўйлайдиган, уларга қулайликлар яратиш учун тинимсиз тинчимайдиган кишилар кўп. Шундай қийинчилик пайтда дўконларнинг пештахталарини турли кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш борасида «Ташгалантерейторг» ходимлари ҳар томонлама изланмоқдалар.

— Ҳозирги пайтда товарларни базалардан оляпмиз, — дейди «Ташгалантерейторг» директори Сурат Хўжаев. — Лекин жамоамиз бу билан қаноатланиб қолмаяпти. Иложи борича халққа керакли молларни етказиб бериш имкониятларини қидирмоқда. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳридаги «Орзу» кўн-атторлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Миконд» заводи, Чинни заводи ва бошқа қатор корхоналар, ҳатто республикамиздаги бошқа кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи фабрика ва заводлар билан тўғридан-тўғри шартнома имзоламоқдалар. Халқни керакли товарлар билан таъминлаш учун савдо ходимларида ҳам маълум даражада эркинликлар бўлиши керак. Ҳозир савдо тармоғига қарашли 72 та каттакичик дўконларимиз бор. Уларнинг ҳаммасини етарли мол билан таъминлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ҳа, мазкур савдо тармоғи ходимларининг ниятлари катта. Энг муҳими, ҳозирги иқтисодий танглик ва қимматчилик даврида аҳолига керакли товарларни ўз вақтида, етарлича арзон нархларда етказиб бериш учун интилаётганининг ўзи катта эзгу-ниятдан нишонадир.

Т. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: янги очилган икки қаватли дўкон бўлимларида савдо пайти. «Ташгалантерейторг» директори Сурат Хўжаев янги дўкон мудири Қурбон Ёқубовга кўрсатма бермоқда.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

• Қайта қуриш афсонаси: Гдлян—Иванов

Виктор ИЛЮХИН

РИЁКОРЛАР

1987 йил ноябрида А. Рўзметовга доир ишни терговчи Р. Бисеров ўзига олади. Далилий ашёларни кўздан кечирганда у машинадаги нарсалар ўғирланганлигини кўради ва бу ҳақда Гдлянга ахборот беради. Гдлян эса шу заҳотиёқ автомашинани Рўзметовнинг хотинига қайтариш ҳақида кўрсатма беради. Рўзметовнинг хотинини чақириб, машинани кўздан кечириш ва қайтариб бериш ҳужжатини расмийлаштирадилар. Бу ҳужжатларда радиоаппаратура, турли безаклар, қуёшўсқич йўқлиги ёзилган. Ғилдираклардаги резиналар эскисига алмаштирилган, кассеталар ҳам йўқ эди. Машинанинг ўзини А. Рўзметовнинг уйига бошқа машинада тортиб олиб бориб беришди. 1988 йил 23 майда Рўзметова Гдлянга ўғирланган, нарсаларни қайтариш ҳақида ариза ёзади. Бироқ, ариза эътиборсиз қолдирилди.

А. Рўзметов озодликка чиққандан кейин автомашинани тиклайди. Таъмирлашга 3 минг сўмдан ортиқ пул сарфлайди. У ўзининг чўнтагидан тўлади. Аслида бу тўловни Гдлян ва унинг руҳи амалга ошириши лозим эди. Уни ҳибсга олиш пайти уйида ўтказилган тинтув чоғида бошқа нарсалар қатори хориждан келтирилган ҳар бири 200—250 сўмлик 56 та видеокассетани мусодара қилишган эди. Сўнгра эгасига фақатгина 43 та видеокассетани қайтаришди. Булар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган бўлиб, фойдаланишга яроқсиз видеокассеталар эди. Улардан айримларига тергов ҳаракатлари тасвир этилган. Рўзметовнинг кассеталари ўз пайтида эксперт текширувига берилган. Текширув мазмуни ҳужжатларга ёзилган. Кассеталарда Америка, Японияда ишлаб чиқарилган жангари, даҳшат ва бир қанча шаҳвоний мазмундаги фильмлар бор эди. Бу нарсалар ўша пайтда қўлда ноёб нарса ҳисобланарди. Фильмларни Гдлян гуруҳининг терговчилари кечқурунлари ишдан сўнг ясатилган дастурхонда ўтириб мазза қилиб томоша қилишган. Далилий ашёлардан, жумладан видеотехникадан қандай хоҳлашса шундай фойдаланишган. Пайти келиб нарсаларни эгаларига қайтариб бериш чоғида қарашсаки, қайтарадиган ҳеч нарса йўқ. Шоша-пиша қандай бўлмасин, видеокассета топиш ҳаракатига тушишган. Сони-сонига тўғри келса бўлди. Бироқ, бу ишни биз айтган воқеада қилиша олмади. Рўзметовнинг хотинига 43 тагина видеокассетани қайтаришди, холос.

Далилий ашёлар ўғирланишини текширишга киришганимизда битта қизиқ ҳужжатни топиб олдик. У катта эмас. Қуйида келтирамиз.

«Акт. 1986 йил 28 октябрь. Тошкент шаҳри.

Биз тубанда имзо қўювчилар: ССР Иттифоқи прокуратураси тергов гуруҳининг раҳбари Т. Х. Гдлян, гуруҳ штабининг бошлиғи Д. С. Непомняший, гуруҳ терговчиси Ю. М. Власов ва ССР Иттифоқи прокуратураси хўжалик бўлимининг катта муҳандиси В. И. Бондаренко, туздик бу ҳужжатни шу мазмундаким, иситиш системаси улангандан кейин ундаги сув Рўзметов Арслондан мусодара қилинган видеомагнит лепталари сақланаётган қутига оқиб тушди. Бу қути ЎзССР ДХКнинг тергов бўлимидаги 334-хонада дераза тагида турган эди. Натижада 13 та видеокассета тўла яроқсиз ҳолга келди».

Бу сатрлар остида юқорида саналган шахсларнинг тўртта имзоси турибди. Гдляннинг имзоси энг тепада. Биз Ўзбекистон ДХК иситиш системаси ҳақида маълумот сўрадик. Қуйида уни келтираман.

«ЎзССР ДХК тергов бўлими 334-хонасида 1986—1987 йиллар иситиш мавсуми давомида иситиш системасида бузилиш бўлган эмас».

Шундан кейин 1986 йил 28 октябрдаги ҳужжатга имзо қўйган шахсларни сўроқ қилиш масаласи ўртага қўйилди. Биз Гдлянни сўроқ қила олмадик. Депутатлик дахлсизлиги бу нопок одамни худди зирхли ҳимоя тўсиғидай қанотига олди. Биз Ю. Власовни сўроқ қилиш учун таклиф этдик. Терговчи Х. Жамалдаев унга актни танишиб чиқиш учун кўрсатди ва тушунтириб беришни сўради.

(Давоми бор).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунуни жамоаси чет тиллар кафедрасининг катта ўқитувчиси К. У. Маҳмудовга онаси

Шоҳида МАҲМУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жумҳурият Телекўрсатув маркази жамоаси, раҳбарияти тасвирчи М. Аҳмедовга отаси

Иброҳим АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги Жумҳурият дезинфекция станцияси жамоаси Сурхондарё вилоят дезинфекция станциясининг бош иқтисодчиси

Татьяна СМОЛЯКОВАнинг

ҳамда етакчи мутахассис

Баҳром МАЛЛАЕВнинг

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумларнинг оила-аъзолари, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Средазагрореммаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бош директор В. А. Антоновга онаси

Вера Александровна МАСЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат техника дорилфунуни ректорати ва электротехника ва автоматика куллиёти жамоалари «Радиотехника ва радиотизимлар» таҳсилгоҳининг мудири А. А. Холиқовга отаси

Абдулахат Холиқовнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат аграр дорилфунунининг ректорати ва касаба уюшмаси ташкилоти энтомология ва ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш кафедраси мудири, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир-аъзоси, профессор Ҳ. Кимсанбоевга отаси

Кимсанбой ҲАМРАҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221.

№ 36.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.